O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 22 avgust, • № 34 (3713)

# ИСТИҚЛОЛ НИҲОЛЛАРИ

***Бугун "Халқлар дўстлиги" саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлади.***

Ниҳол... Шу ихчамгина сўз замирида оламча маъно мужассам. Ер тафтидан иссиқлик, қуёшдан шуъла эмиб куртак ёзади ниҳол. Агарда унга она табиат меҳру мурувват кўрсатмаса, оддий бир таёқ каби қуриб қолаверади. Истеъдод ҳам шундай. Ёш истеъдодларга диққат-эътибор қаратилмаса, катта доирага чиқа олмайди. Ахир, мустабид тузум қанчадан-қанча ниҳоллар умрига завол бўлмади дейсиз?!

Бугун Юлдузу Муножотларимизни Ер юзи танийди, санъатига қойил қолади. Шу сеҳрли овозлар орқали ўзбекнинг кимлигини билади жаҳон.

Истиқлол йилларида санъат аҳлига алоҳида диққат-эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зотан, санъат воситасида юраклар осойиш топади, чарчоқ тумандай тарқайди. Яна бир жиҳати, ҳар бир халқ руҳиятини унинг қўшиғи, куй-таронасига қараб белгилайдилар. Шу боиски, санъат келажаги борасида қайғуришнинг оламшумул аҳамияти бор.

Миллионлаб санъатсеварлар ҳар йили август ойини ўзгача орзиқиш ила кутадилар. Мана тўрт йилки, айнан шу ойда пойтахтимиздаги муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройи ҳар галгидан ҳам гавжум бўлиб кетади.

Ҳа, ўзбек ўзининг ширин сўзию сийловларини Истиқлол байрамига асраб қўяди. Ва Истиқлол тантаналари "Халқлар дўстлиги" саройидан бошланади, десак муболаға бўлмас.

Қўшиқ бор жойда, санъат бор жойда Эзгулик қарор топади, Ёвузликка тангадай ўрин қолмайди. Зотан, бояги нақлда айтилганидек, санъат ёруғлик билан, нурафшонлик билан эгиз туғилади. Санъати бор юртнинг эртаси ҳам бор. Булбуллар навоси сир-синоати Озодликдан дарак беради.

Алҳол, меҳр шуълалари остида қад ростлаётган ниҳоллар эмин-эркин куртак ёзаверсин. Гулласин, мева берсин. Бу жараёнга бутун Ўзбекистон кўз тикиб турибди.

Бугун "Халқлар дўстлиги" саройида ана шундай юксак совринга муносиб топилган ёш истеъдод эгаларини муборакбод этамиз. "Ниҳол" соврини улар учун эл-юрт хизматига камарбасталикнинг олтин зинаси бўлиб қолади, деб умид қиламиз..



ЭСАР ЖАЙҲУН ШАМОЛЛАРИ

2 →

Дилором ОМОНУЛЛАЕВА:

# "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" — ЭЗГУЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Дунёда ҳеч бир таржимасиз ҳам барча миллатлар ва элатлар тушунадиган ягона тил мавжуд. Бу — мусиқа тилидир. Ахир, ҳар биримиз араб ёки ҳинд, италян ёки инглиз, рус ёки тожик мусиқасини, куй-қўшиқларини таржимасиз берилиб тинглашимиз мумкин-ку. Шунингдек, ўз навбатида, бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбек миллий куй-қўшиқларидан олам-олам завқ олишлари мумкин. Фақат мусиқагина қалб билан идрок этилади, юраклар билан севилади. Фақат мусиқа юрак ғуборларини ювади, қалбнинг туб-тубигача етиб боради. Шу боис ҳам мусиқани миллатларни бир-бирига боғловчи, бир-бирига меҳр уйғотувчи кўприк деса бўлади. Ҳар бир халқнинг мусиқаси ўша халқнинг юрагидир. Дейлик, рассом чизган суратни, ҳайкалтарош ясаган ҳайкални, борингки, ёзувчи ёзган асарни ҳам деворларга осиб, кутубхоналарга қўйиб асраш мумкин. Лекин мусиқа халқнинг юрагида яшайди. Унинг қалб билан тинглаб, идрок этилиши ва оҳангда ўша халқнинг миллий қиёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлиши шу боисдандир.

Мусиқа ҳар бир миллатнинг юксак инсоний қиёфасидир. У халққа ўз тарихи, аждодлари ҳақида ҳикоя қилади. Халқнинг, миллатнинг ривожланиши, ёки аксинча, таназзулга юз тутганлигини айнан мусиқа очиқ-ошкор кўрсатиб бера олади. Бинобарин, юксалишга юз тутган миллат ўз мусиқасини асраб-авайлайди, унинг ривожи ва гуллаб-яшнаши йўлида ҳаракат қилади. Таназзулга юз тутган миллат эса ўз тарихи, мусиқасини унутади.

Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунлардан ҳозиргача мусиқа соҳасига алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Мамлакат миқёсида қатор қонун, фармон ва қарорлар чиқарилиб, турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан ўтказилаётган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали миллий маданиятимиз тарихида муҳим аҳамият касб этиб, катта халқаро обрўга эга бўлди.

Бунинг сабаби, аввало, ўзбек мусиқасининг бой тарихга эгалиги ва оламга машҳурлигида. "Шарқ тароналари" фестивали айнан жозибали, қадимий ва гўзал Самарқандда, юқори савияда ўтказилаётгани халқаро мусиқа намояндаларини ўзига жалб этмоқда.

Қолаверса, Шарқ мамлакатларининг анъанавий мумтоз мусиқа санъати илк бор шу фестивалда юксак даражада ва жонли намоён этилди. Энг муҳими, Шарқ мамлакатларининг мусиқий анъаналари танлов сифатида ўтказилиб, мерос сифатида ардоқланиб келмоқда.

Фестивал шуни кўрсатдики, бу мусиқий қатлам нафақат сақланиб қолишга, балки кенг тарғиб қилинишга ҳам муҳтож. "Шарқ тароналари" халқаро фестивали ана шу муҳим вазифани амалга оширишда кўприк сифатида майдонга чиқди.

**Давоми иккинчи бетда.**

17 август куни "Халқлар дўстлиги" саройи ҳақиқий байрамона тус олди. Санъатсевар томошабинлару танлов ғолиблари — ҳамманинг дилида бир туйғу — Ватанга меҳр-муҳаббат, уни фахр билан куйлаш туйғуси жўш уриб турарди.

Концертга ташриф буюрган шинавандаларнинг муродлари ҳосил бўлди: саҳнада миллий кўтаринки руҳдаги жозибали, дилларга ором бағишловчи, бахтли келажакка умид уйғотувчи тароналар янгради. Дилбар қўшиқларга мос гўзал рақслар томошабинларга ҳузур бағишлади.

"Ўзбекистон қўшиқ байрами" танлови якунларига бағишланган бу гала концертда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлди.

Биринчи ўрин Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетининг бадиий жамоаси иж-

## "ЎЗБЕКИСТОН — ТАНИМДА ЖОНИМ"

росидаги "Ўзбекистон — танимда жоним" (Олтусбой Султонов шеъри, Қодир Ҳилолов мусиқаси) ва Самарқанд вилояти Сиёб туманидан Насиба Мирзоҳидова ижросидаги "Ўзбекистон" (Неъмат Бобожонов шеъри, Мамажон Наимов мусиқаси) қўшиқларига берилди.

Камолиддин Раҳматовнинг "Жон Ватаним" (И.Жиянов шеъри, Ш.Дадажонов мусиқаси), Ситора Орипованинг "Эй кўзлари хуморим" (халқ сўзи, Р.Мўминова мусиқаси), Наргиза Худойназарованинг "Ўзбекистоним" (С.Тўйчиева шеъри, О.Худойназаров мусиқаси) қўшиқлари иккинчи ўринни эгаллади.

Учинчи ўрин Қашқадарё вилоят ашула ва рақс жамоаси ("Юрт ҳақида"), сирдарёлик Баҳодир Хўжақулов ("Иймон ўзинг") ва Ўзбекистон Миллий университети жамоаларига ("Ватан абадий") насиб этди.

Тошкент шаҳридаги 286-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Нодирбек Зоитов "Мен бахтнинг парвозиман" (Маҳмуд Тоиров шеъри, Баҳодир Зокиров мусиқаси) қўшиғи учун рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. Хонандалар Ш.Одилова, А.Кенжаев ва Б.Раҳмоновлар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

# ЭРКИН ИЖОД ИМКОНИЯТЛАРИ

ДАВРА СУҲБАТИ

1991 УЛУҒ ЙЎЛ ДОВОНЛАРИ 2003

***Ҳар бир халқнинг адабиётида унинг ютуқларини рўйрост кўрсатадиган асарлар аксарияти роман жанрида яратилган, десак янглишмаймиз. Масалан, француз адабиёти ҳақида гапирганда Гюго, Бальзак, Флобер, Мопассан романлари, рус адабиёти ҳақида сўз борганда Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Михаил Булгаков ва бошқаларнинг романлари, албатта, тилга олинади. Шулар қатори, ўзбек романчилигини улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг ўлмас романларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Адабиётимизда мазкур жанрнинг туғилган ва шаклланган даври собиқ шўролар ҳукмронлиги пайтига тўғри келди. Бу йилларнинг машаққатлари, азобу уқубатлари фақат халқимиз тақдирида эмас, балки маданиятимиз ривожида ҳам ўзининг асоратларини қолдирди. Машҳур адибимиз қатори илк романлар, хусусан, "Ўткан кунлар" романи ҳам қатағонга учради. Адабиётимиз тарихига доир китобларда, илмий тадқиқотларда бу масалалар ҳар жиҳатдан батафсил ёритилган.***

***Истиқлол бадиий ижод аҳлига кенг ижодий имконият йўлларини очиб берди. Яқин ўтмишда комфирқа мафкурасининг хизматкорига айлантирилган маданият турлари эркин ижод йўсинига кўчди, ижодкорлар ўз қалб амри билан, ўз хоҳиш-истакларича ёзиш ихтиёрига эга бўлди. "Социалистик реализм ижодий методи" сингари мавҳум ва сохта қолиплар барҳам топди. Айни пайтда, алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида ўзбек ёзувчилари мумтоз адабиётимиз анъаналарини, биринчи ўзбек романчиси Абдулла Қодирий тажрибаларини дадил давом эттириб, романчилигимизни кўплаб янги асарлар билан бойитдилар. Халқ орзу-умидлари, инсоний фазилатлар, Ватан истиқболи, инсоннинг мураккаб оламдаги ўрни каби азалий долзарб мавзулар ана шу асарларнинг етакчи мавзулари бўлди...***

***Мустақиллик йиллари замонавий ўзбек романчилиги эркин ижодий муҳит ҳавосида гуркираб ривож топди. Ўтган 12 йил ичида ёзилган романлар ҳам мавзу, ҳам шаклий изланишларга кўра, адабиётимизда қизғин ижодий тажрибалар ўтказилаётганидан далолат беради. Эндиликда ҳар қандай мафкуравий тазйиқлардан халос бўлган ёзувчиларимиз жаҳон романчилигининг энг эътиборли ютуқларидан улги олиб, бой маданиятимиз анъаналаридан илҳомланиб, бугунги кун қаҳрамони — озод юрт одами образини ҳаққоний гавдалантириш йўлида фаол ижод қилмоқдалар.***

***Улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида таниқли адабиётшунос олимлар ва ёш ижодкорлардан бир нечасини таҳририятимизга чорлаб, истиқлол даври ўзбек романчилигининг ютуқлари, адабиётшуносликда амалга оширилаётган ишлар, бу соҳалар ривожи билан боғлиқ муаммолар ҳақида суҳбатлашдик.***

***Қуйида эътиборингизга филология фанлари докторлари — Умарали Норматов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов, ёзувчи Улуғбек Ҳамдам, филология фанлари номзоди Шоира Дониёрованинг роман жанридаги ўсиш-ўзгаришлар, бугунги насримизнинг жаҳон адабиёти тажрибаларига уйғун жиҳатлари, адабиётшуносликдаги айрим муаммолар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ҳавола этаётирмиз.***

# БУ ЙЎЛЛАР ДУНЁНИНГ ЧАККАСИГА ГУЛЛАР ТАҚҚАЙДИР



Инсон Ватан ободлиги, ватандошлар бахтини ўйлаб ўз бахтини ҳам топади. Фозил киши эса бахтини халқига қила олган яхшилиги, юртдошларига кўрсатган ҳиммати билан ўлчайди. Тоғлар, чўлу саҳролар узра янги йўллар қураётган, элларни эллар билан, қитъаларни қитъалар билан туташтираётган фидойи йўлсозларни ана шундай бахтли, ҳаёти бутун умр савоб ишларга йўғрилган инсонларга меңгзаш мумкин.

Юртбошимизнинг эзгу ташаббус ва ғояларини улкан бунёдкорлик ишларига айлантираётган йўлсозлар билан Қамчиқ довонида бўладиган ижодий учрашувимиз мамлакат пойтахтидан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси раиси Рустам Юнусов Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги ижодкорларни Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган кичик ҳалқа йўл қурилиши билан танишишга таклиф этди. Бу йўлнинг Чилонзор туманидан ўтган қисмида бир кунда уч километр йўлни асфалтлаш имконини берувчи Олмония ва Швеция йўлсозлик техникаларидан фойдаланаётган қурувчилар ва ижод аҳлининг суҳбатлари, биргаликда суратга тушишлар барчанинг руҳини кўтариб юборди. Таниқли йўлсоз мутахассислар йўл қуриш бўйича замонавий олмон технологияси афзалликлари ҳамда ўзбек йўлсозларининг бугунги салоҳияти ҳақида атрофлича маълумот бердилар. Сўнгра карвонимиз асосий манзил сари йўлга тушди.

Чилонзордан то Роҳат кўлигача қад ростлаган кўприклар, равон, кафтдек текис йўллар, йўл четларидаги жаннат ифори таралиб турган гуллар, муҳташам, дид билан қурилган дўконлар, юз-кўзидан нур, қатъият сезилиб турган ёшлар....

Шуларни кузатиб борар экансиз, сен ҳам Ватанни обод қилиш борасидаги ҳаракатлардан четда қолмай, унга оз бўлса-да ижодинг билан ўз ҳиссангни қўшишинг учун ҳеч бўлмаса ойда бир марта шаҳар, юрт айланишинг кераклигини ҳис қиласан. Кутилмаганда автобус радиосидан таралаётган — ҳар бир сўзидан ишонч ва уйғоқ руҳ сезилиб турган санъаткорларнинг қўшиғи дилингдан ўтаётган туйғуларни гўё тасдиқлаётгандек бўлади:

**Мурувввату маърифатдир буюкликнинг нишонаси,**
**Қадам қўйинг, мана сизга асл йўлнинг остонаси.**

**Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,**
**Замон келди, Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.**

Сафаримиз давомида Ангрен шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар эканмиз, Мустақиллик бу шаҳар учун ҳам ободлик йўлини кўрсатиб берганлигига гувоҳ бўлдик.

### ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛСОЗЛИК МАРКАЗИ

Ижодкорларни ҳайратга солган бир жиҳат "Ўзавтойўл" концернининг хорижий йўлсозлик техникалари ва технологияларидан фойдаланиш ва синаш ишлари бўйича марказининг Ангрен шаҳрида ташкил этилган филиалидаги энг замонавий ўқитиш, ҳунар эгаллашга доир яратилган шарт-шароитлар бўлди. Бу даргоҳда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган йўл қурувчи бунёдкорлар Япония, Германия, Швейцариянинг энг мукаммал йўлсозлик техникаларини бошқариш бўйича касб сирларини эгаллайдилар. Уларга халқаро андозалардаги махсус сертификатлар берилади. Бу ҳужжат йўлсозларимизга жаҳоннинг истаган мамлакатида мана шундай техникаларни бемалол бошқариш ҳуқуқини беради. Шу жойдаги "Олмон технологиялари маркази" иши билан танишиб бир ҳайратимизга ўн ҳайрат қўшилди. Гап бу ердаги энг мукаммал йўл қуриш ва таъмирлаш техникаларининг мавжудлигидагина эмас, айни чоғда, замонавий компьютерлар ёрдамида у ёки бу йўлни қуриш бўйича лойиҳаларнинг жуда қисқа муддатда яратилишида ҳамдир. Масалан, шу кунларда қурилиши олиб борилаётган Термиз — Мозори Шариф темир йўлининг бир нечта лойиҳаси Германиялик профессор Хост Лилиенблум томонидан зудлик билан тайёрлаб берилибди. Унинг раҳбарлигида ишловчи геодезия фирмаси жаҳонда энг ишончли лойиҳалар яратиб обрў-эътибор топган. Мартин Хаэзе эса жаҳоннинг турли мамлакатларида қирқ йил давомида кўприклар қуришда фаол иштирок этган энг моҳир тадқиқотчи экспертлардан саналади. Бизнинг ўзбек йўлсозлари улар раҳбарлигида ташкил этилган, замонавий компьютерлар ва ўқув стендлари, йўлсозлик техникаларининг макетлари билан жиҳозланган аудиторияларда сабоқ олмоқдалар. Сабоқлар фақат ўзбек ва олмон тилларида олиб борилаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Хориждан келган мутахассислар бу даргоҳда ўзбек йўл қурувчиларига фақат янги техника ва технологиялар бўйича таълим берибгина қолмай, айни чоғда, Ўзбекистоннинг иқлим шароитлари ҳисобга олинган цемент-бетон қопламаларини танлаш юзасидан ҳам муайян тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бу қураётган йўлларимизнинг сифатлилиги ва узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир германиялик йўлсозлар Тошкент — Ўш ва Тошкент — Самарқанд оралиғидаги йўлларни қайта таъмирлаш билан боғлик лойиҳаларни ишлаб чиқишда ҳам қатнашмоқдалар.

Биз шу жойда турли шаҳар ва қишлоқларимиздан келиб, хорижий техникаларни бошқариш сирларини ўрганаётган йўлсозларимиз билан ҳам танишдик. Жалолиддин Аҳмедов ва Фарҳод Шералиевлар Андижондан келишган. Улар Швейцариядан келиб, йўлсозлик техникалари ва технологиялари буйича ўзбек йўлсозлари билан ҳамкорлик қилаётган жаноб Жозеф Грубенинг машғулотларида қатнашиб, энг замонавий муҳандислик техникаларини бошқариш бўйича шу бугун ўз қўлларига сертификат олишган экан.

**Давоми иккинчи бетда.**

Умарали НОРМАТОВ:

# МУШТАРАКЛИК



Мустақиллик йилларидаги ўзбек романи ривожи масалалари ҳақида ёзиляпти, кўплаб тадқиқотлар олиб борилаяпти. Лекин улардан, барибир, кўнглимиз тўлмаяпти. Бу жанр тараққиётидаги янгиликлар моҳиятини ҳам, ожизликларини ҳам етарли очиб беролганимиз йўқ. Романчилигимизнинг ўзида бўлган каби, танқидчиликда ҳам замонага енгил-елпи мослашиш — куни кеча салбий баҳоланган ҳодисаларни бугун оқлаш ёки бунинг аксини тутиш йўлидан бориб ***ясалган*** асарлар шаънига мадҳ ўқишдан нари ўтолмаган танқиддан нимани кутиш мумкин, ахир! Бугун ҳаммага маълум ҳақиқатларни беллетристика шаклига солиш билан бадиий кашфиёт яратиб бўлмаслиги аён-ку!

Бадиий ижод, хусусан, роман фақат ва фақат салмоқдор фикр, мустақил қарашни тақозо этади. Ижодкор ўзини чинакамига ***руҳан эркин ҳис этган*** тақдирдагина чинакам роман майдонга келади. Истиқлол ижодкорларни шўро даврида мудом таъқиб қилиб турадиган сон-саноқсиз кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган руҳий кишанлардан озод этди. Биргина моддиюнча фалсафага асосланган, барча бирдек амал қилиши лозим бўлган сохта ижодий методнинг қатъиян рад этилишининг ўзи ижодкор учун беназир саодат ва мислсиз имконият!

Шу имкониятларнинг илк самараларини, мана, Оллоҳга шукур, кўриб турибмиз. Айниқса, миллий адабиётимиз, романчилигимиз ривожидаги бир муҳим ҳолат мени ниҳоятда қувонтиради. Шўро йилларида ўзбек адабиёти "кўпмиллатли совет адабиёти" доирасида нафас олган бўлса, мустақиллик йилларида тўғридан-тўғри бугунги жаҳон тараққийпарвар адабиёти билан баробар одим ташлай бошлади. Биргина мисол: XX асрнинг охирларида бразилиялик адиб Пауло Коэлонинг романлари, хусусан, "Алкимёгар" асари жаҳон бўйлаб катта шуҳрат қозонди. Бу асарнинг она тилимизда бирданига учта таржимаси пайдо бўлиши ҳам тасодифий эмас.

**Давоми иккинчи бетда.**

# ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

**Тошкентдаги "Конституция" маҳалласида Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон кутубхонаси очилди.**



Таниқли шоир ва ёзувчилар, алломаларнинг ўз шахсий кутубхоналарини олий ўқув юртлари, маҳаллалар ва бошқа маънавий-маърифий даргоҳларга тухфа этиши бугунги куннинг яхши анъаналаридан бирига айланмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон шахсий китоб жамғармасидан катта қисмини ўзи истиқомат қилаётган Яккасарой туманидаги "Конституция" маҳалласига тухфа этди. Адибнинг ноёб китоблари ва асарларидан кўпчилик баҳраманд бўлиши учун маҳалла гузари жойлашган бинодан махсус хона ажратилди. Шу муносабат билан маҳалла гузарига таниқли адиблар ва олимлар, маҳалла фаоллари тўпландилар.

Кутубхона очилишига бағишланган тадбирни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Рихситилла Акромов очиб, бундай хайрли ва савобли ишнинг маънавий аҳамияти ҳақида сўзлади. Яккасарой тумани ҳокими Р. Усмонов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Минҳожиддин Мирзо ва маҳалла фаоллари кутубхоналар тафаккур хазинаси сифатида инсоннинг маънавий камолоти йўлида хизмат қилишини таъкидлаб, ундан талабалар, ўқувчи ёшлар кенг фойдаланади, бу анъана маҳаллаларда янада кенг қулоч ёяди, деб умид билдирдилар. Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон маҳалла аҳлига янги кутубхонага жой ажратиб берганлари учун миннатдорчилик изҳор қилди.

*Р. ГАЛЕЕВ олган сурат*

Гўзал БЕГИМ:

# ҲАЗРАТ НАВОИЙ "ТАШРИФИДАН" ХУРСАНДМИЗ

***Шоира Гўзал Бегим Москвада икки йил таҳсил олди. Ўзбек қизининг нуфузли илм даргоҳида ўқиб келгани қувончли ҳол, албатта. Таҳриримизда меҳмон бўлган чоғида биз шоирага бир неча савол билан мурожаат этдик.***

**— Гўзал, Москвага бориб ўқишдан кўзланган мақсадингиз нима эди?**

— Ҳаммаси оддий қизиқишдан бошланди. Шеърларимни рус тилига таржима қилдириб қўйгандим. Устозларим маслаҳатига кўра, бир туркумини Москвадаги М.Горький номли институтнинг Олий Адабиёт курсига жўнатдим. Сал вақт ўтгач, ишхонага келсам... таклиф қоғози! Шундай хурсанд бўлиб кетдим-ки... Аммо йўл харажатларини сарҳисоб қилиб кўрганимдан кейин шодлигим хира торта бошлади. Борсаммикан, бормасаммикан деб иккиланганман ҳам. Улкан шаҳар ҳаёти мен учун ўша чоғларда мавҳум туюлган. Бундан ташқари, ўшанда бизда Олий Адабиёт курси ҳали очилмаган ҳам эди.

Хуллас, таваккал дедим-да, Россия пойтахтига етиб келдим. Дастлаб моддий жиҳатдан бироз қийналдим. Ишладим. Пул топдим. Кутубхонада, театрда хизмат қилдим. Биласизми, Олий Адабиёт курсида ўқиш учун уч минг АҚШ доллари миқдорида пул тўлаш керак экан. Аввалига етти юз доллар йиғдим-да, ўқув машғулотларига кирдим.

Мақсад ҳақида сўрадингиз... Тўғри, ҳар кимга ўз туғилган юрти афзал. Туғилган юртингни ҳеч нарсага алишиб бўлмайди. Лекин ижодкор дегани битта муҳит билан кифояланиб қолмаслиги керак, деб ўйлаганман. Ғарб ёзувчиларини кўринг: ҳатто Африкагача, Австралиягача бориб яшаб келишган. Саёҳат қаламни чархлайди. Ижодкор дунёқараши уфқларини кенгайтиради.

**— Икки йил ичидаги таассуротларингиздан гапирсангиз. Нималарга эришдингиз? Қанча шеър ёздингиз?**

— Шеърларимни санамадим — баракаси қочади. Шу икки йил ичида чин маънодаги Адабиётга яқинлашдим. Курсимизда ўттиз тўрт нафар тингловчи бор эди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос дунё. Адабиётга ўз умрини бутунича бағишлаганлар.

Мен улкан бир тўлқин ичига кириб қолгандек бўлдим. Маълумки, рус адабиёти бутун дунё адиблари учун катта мактаб вазифасини адо этган. Достоевскийни Албер Камю ижодига таъсирини яхши биласиз. Жеймс Жойс рус адабиётини чуқурроқ ўрганиш мақсадида рус тили ўқитувчисини ёллаган. Шунингдек, Хемингуэй, Акутагава ҳам бу борадаги эътирофларини ёзиб қолдиришган. Хуллас, Москва ҳозирги замон жаҳон адабиёти марказларидан бири десак муболаға бўлмас.

Бизга "Английская лирика", "Теория романа", "Зарубежная литература XX века", "Русское зарубежье", "Творческое мастерство" каби фанлар ўқитиларди. Домлаларимиз дунё кезган олимлардир. Дарсни шу қадар қизиқарли ўқитишардики, танаффусга чиққимиз ҳам келмасди. Нобель мукофотига сазовор бўлган адиблар нутқини магнит тасмасидан эшитганмиз. Уларнинг ҳаётига доир тафсилотларни ўргандик. Шу тариқа фикримиз бойиб борди.

Эришганим ҳақида гапирсам. Аввало менда Сўз захираси пайдо бўлди. Яна Тошкентга келиб "Учаётган япроқ сояси" номли китобимни ўз ҳисобимдан чиқардим. Талайгина шеърлар ёздим. Тафаккуримда қандайдир қолиплар чил-чил сингандек бўлди. Мана, менинг эришган нарсаларим.

Москвада дўстлар орттирдим. Она юртга ёлғиз келганим йўқ. Курсдошим, Россия Ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоира Алёна Ельцовани Ўзбекистонни бир кўрсатгани олиб келганман. Алёна Хивани бориб кўрди. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилди. Бир сўз билан айтганда, адабиёт халқларни ўзаро боғлайдиган восита ҳам экан.



**— Бизда ҳам Олий Адабиёт курси ташкил топганидан хабарингиз бор. Яқиндагина саккиз нафар битирувчига диплом топширилди. Айни вақтда хорижий юртлардан ҳам тингловчилар ташриф буюриши кутилмоқда...**

— Яхши бўларди. Бу адабиётдаги хилма-хилликни таъминлайди. Адабиёт тор доирада қолмаслиги лозим. Бир халқ адабиётидан иккинчи халқ таъсирланса, бунинг нимаси ёмон? Чунончи, ўзбек адабиёти ҳам бошқа халқларга ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, Навоий ҳазратлари ижодини Санкт-Петербург, Москва шарқшунослари қай даражада ўрганганлигини, тарғибу ташвиқ этганлигини билсангиз керак. Ана шунинг учун ҳам Москва шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилгани байрамга айланиб кетди. Биз Навоий бобомизнинг "ташрифидан" хурсандмиз. Зиёрат юрагимизга қувонч бахш этади. Курсдошларим билан бир неча маротаба ўша ёдгорликни зиёрат қилганман. Бу ўзбек адабиётига ҳурмат-эҳтиромнинг рамзи сифатида қадрли.

Эшитишимга қараганда, Ўзбекистон Миллий университетининг Олий Адабиёт курси билан Москвадаги Олий Адабиёт курси орасида ҳамкорлик ришталарини боғлашга саъй-ҳаракат қилинмоқда. Агар шу иш амалга ошса, янада яхши бўларди. Негаки, Москва ҳам дунёга чиқишда бир кўприкда. Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Адабиёт курси Марказий Осиё минтақасида ягона. Собиқ иттифоқдаги республикаларда ҳали бундай курс очилмаган. Шу далилнинг ўзи ҳам Ўзбекистонда ёш ижодкорларга катта ғамхўрлик кўрсатилаётганидан яхши бир далолатдир.

**— Москва адабий муҳитида аҳвол қандай? Қайси шоирлар ижодига қизиқиш катта? Модернизм у ерда ҳам равнақ топаяптими?**

— Сўзни китобга қизиқишдан бошласам. Москвада катта-катта китоб ярмаркалари мавжуд. Пул тўлаб кирилади. Китоблар нархи бу жойда бошқа дўконларга қараганда бирмунча арзон. Жаҳон миқёсидаги энг ноёб китобларни ҳам топиш мумкин.

Кутубхоналар доимо гавжум бўлади. Юқорида айтганимдай — кутубхонада ишлаганман. Яхши биламан. Руслар турфа хил китобларни қизиқиб ўқишаркан. Кутубхона фондида "эски" китоблар анчайин мўл. Руслар дурдона асарларни асраб-авайлашади.

Адабий муҳит ҳақида сўрасангиз... Насрий асарларга қизиқиш кучли. Шеърият соҳасида эса... Сергей Есенин, Александр Блок, Велимир Хлебников китобларини ўқишади, шеърларини ёд олишади. Умуман "адабиёт қозони" мудом қайнаб туради. Лекин, қизиқ жиҳати, Марина Цветаевани унчалик хуш кўришмаскан. Ёзганларини "тўқилган, ўйлаб топилган шеърлар" дейишади. Ҳаёт тафсилотлари боис Анна Ахматовага сал-пал иштиёқ бор. Умуман, руслар соф рус шеъриятини ардоқлашаркан.

Модернизм ўзбек шеъриятидаги каби алоҳида йўналиш сифатида кўзга чалинмайди. Иван Жданов, Алексей Паршиков, Татяна Зоммер каби ноанъанавийроқ усулда ёзаётган шоирларни биламиз. Аммо ҳозирги замон рус шоирлари асосан бармоқ вазнида ёзишаркан. Кўнгил шеърияти амалда. Табиат тасвирлари инсон руҳияти билан уйғунлашган нафис шеърларни ўқидим.

Символизм усулида ёзадиган шоирлар бор. Биз курсда символизмни бир қадар чуқур ўрганганмиз. Эҳтимол шу сабабдандир, тимсол-рамзлар акс этган шеърлар тез идрок қилинади.

Шоирлар, умуман ёзувчилар моддий ҳаётга унчалик меҳр қўйишмаган. Нонга пули етмаслиги мумкин-у, лекин китоб сотиб олишади. Тўғри, кўпгина шоирлар, шу жумладан курсдошларим орасида ҳам ичкиликка берилиб кетганларни кўрдим. Бироқ, адабиётга жиддий қарашади. Баъзи ижодкорларнинг адабиётдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эканлигини ҳам билганман.

**— Мана, Олий Адабиёт курсини битказдингиз. Эндиги режаларингиз қандай?**

— Албатта, қайтаман. Лекин сал кейинроқ. Москвада, худо хоҳласа, икки-уч йил ишлаш ниятидаман. Ўзбек адабиётини Россияда тарғиб қилсам дейман. Зотан, ўзбек адабиёти дунё миқёсида бўйбастини кўрсатадиган замонлар етиб келди.

**Суҳбатдош: Б.РЎЗМЕТОВ**

## МЕН БИР ГУЛМАН ҚУЁШГА БОҚҚАН


Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА

**Юрак давотингдан томар кечмишлар,**
**Баҳор нафасидек ифорли тунда.**
**Сен буюк Монийсан, нақшинг илоҳий,**
**Мен ахир ўзимни яратдим санда.**

**Айтгин собитмидим яралмишимда,**
**Жоним қўзғалдими ё фалаклардай?**
**Ёраб гоҳо гулдай яшагим келар,**
**Гоҳо эса капалаклардай.**

**Юрак неча кунки ишқдадир жоним,**
**Ишқ тўла дунёни соз қилиб чертдим.**
**Мен кетсам кимларга яғмо этарсан,**
**Алвидо ўзимдан ўзгага кетдим.**

* * *

**Қўзларимда айланди ёшим,**
**Ўжар соғинч айтганин қўймас.**
**Бор дунёни унутаману —**
**Нечун сизни унутиб бўлмас.**

**Осмонда ой, ерда дил ярим,**
**У на шодлик, на ғамга тўймас.**
**Юрагимни тиғлаб сўрайман —**
**Нечун сизни унутиб бўлмас.**

**Хотиралар сўнаётган чўғ,**
**Қўл узатсам қўлларим куймас.**
**Хаёл етмас олислардасиз —**
**Нечун сизни унутиб бўлмас.**

**Мен бир гулман қуёшга боққан,**
**Ишқдан пайдо ғунчаси сўлмас.**
**Дилдан ўтган кунни ўчирдим —**
**Фақат сизни унутиб бўлмас.**

* * *

**Сен кетарсан, кўксимда бир чўғ,**
**Аламларда қоврилар жоним,**
**Қаро туннинг қучоғида жим,**
**Юлдузини излар осмоним.**

**Сен кетарсан, муҳаббат ёлғон,**
**Ишонмайди энди юрагим.**
**Ялмоғизнинг ўрмонларида,**
**Адашади гўзал эртагим.**

**Сен кетарсан, кулар булутлар,**
**Балки, борлиқ йиғлади сим-сим.**
**Иккимизни суйган боғларнинг,**
**Қўшиғини тингламас ҳеч ким.**

**Сен кетарсан, жонимдаги куй,**
**Уни чалар шамол созанда.**
**Сен кетасан, англарсан бир кун,**
**Қалбимнинг бир бўлаги санда.**

**Сен кетарсан...**

Собир ЎНАР

# ЎЙЛАБ ЮРГАНЛАРИМ

## ЕВРОПА МАЪНАВИЯТСИЗИМИ?



Бир ғалати талқин бор: файз-бараканинг миқдорини ўлчаб бўлмайди. Статистик ҳисобини чиқариш нуфузли ташкилотларнинг ҳам қўлидан келмайди. Унда илоҳийлик бор дейиш мумкин, холос. Аммо маънавиятсизлик, шармсизлик оқибатлари мавжуд. У шундоқ кўз олдимизда намоён бўлади. Керак бўлса, намоён бўлаяпти ҳам.

Европа шармсизлигининг маҳсули бўлган киноларни кўряпмиз. Ҳаё, уят деган нарсаларни буткул эсидан чиқариб қўйган, реклама кўзгусига айланган шир яланғоч қизлар ҳам дийдамизни қотириб бораётгани бор гап. Уларни ўзимиз ҳам, хоҳламасак-да, фарзандларимиз ҳам кўраётир. Боламизни буни кўрма, деб уришамиз, дарҳол телевизорни бошқа каналга ўтказамиз. Жаноб Европа худди асабингизни ўйнаётгандек бошқа каналда ҳам бундан баттарроқ манзарани намойиш қилиб туради. Ўзбекистонга бурайсан, журналист қайсидир ширкат хўжалигининг раисини далага опчиқиб, алмисоқдан қолган саволларни беради, юксак муваффақиятнинг сабабларини ўсмоқчилаб сўрайди, бу кўрсатувнинг эса ўша раис билан тележурналистдан бошқа бир кишигаям қизиғи йўқ. Ҳатто ўша ширкат аъзоси бўлган деҳқонгаям қизиқ эмас. Чунки шу раис гарчи режа бажарилса-да, унга неча йиллардан бери маош бермайди, яна миллионлардан гапиргани ортиқча. Ўғлинг бўлса, фалон каналдаги Жеки Чаннинг киносини кўрмоқчи. Ўн дақиқадан кам давом этмайдиган рекламанинг поёнини кутаётир. Аммо унгача неча яланғоч таналар кўз-кўз бўлиши, неча лаблар қовушиши ва носвой билан героиндан бошқа ҳамма нарсанинг рекламасига мунтазир таналар экранга чиқиши керак. Алҳол ҳали мактабга бормаган олти яшар қизинг: «Дада, мен кўзимни бекитиб туряпман, кино бошланганда очаман», деб қолади. Сесканиб кетасан...

Қизинг бу нарсаларнинг уят эканини яхши тушунади. Чунки уят нарсани кўрса, ойиси ё дадасидан уриш эшитади. Аммо Европаси тушмагур нуқул тескари иш қилади-да. Нима қилишни билмай обдон гаранг бўласан.

Ота бўлганингдан кейин бу нарсаларни ўйлайсан. Норасиданинг келажаги ҳали олдинда эканини эслаб ўйга ботасан. Абдулла Ориповда бир ажойиб сатр бор: «Оталар жимгина олар хавотир»...

Сен-ку ёнингдаги болангни уришиб, танбеҳ бериб турибсан, анави экрандаги либоссиз қизнинг ҳам ота-онаси, тоғаси, бобоси йўқми, ўшалардан уялмайдими? Бу саволни ақл тиши чиққан болангдан эшитсанг яхши, албатта. Лекин у бир умр шу савол хаёлига ҳам келмай, аслида менинг ота-онам замондан орқада қолиб кетган қолоқ одамлар деган фикрда ўсаётган бўлса-чи? Бундан оғирроқ, бундан даҳшатлироқ савдо борми дунёда?

Европалик боласи улғайгач, уни пул топ деб ўз ҳолига ташлаб қўяди. Энди у нима қилиб бўлсаям пул топиши, ўзининг аравасини ўзи тортиши керак. Шу туфайли у бир йигитнинг бахтини очиб юбориши мумкин бўлган топ-тоза, узумнинг сувидеккина қизининг беҳаё қилиқларига парво қилмайди. Ёки ўша қиз онаси билан худди Эсмеральда ва унинг онаси каби бир суткада 24 соат севги ҳақида сўйлашиб оғизларининг таноби қочади.

Худо умрдан қисмаса, тағин 25-30 йилдан кейин хотининг кампир, сен чол бўларкансан деб ўйлайман баъзан. Хўш, ўша пайтдаги фарзандинг ё невbooранг қай ҳолатда бўларкан? Замоннинг шиддати қошида кўпинча лол қоласан. Бироқ давр шамоли ҳеч қачон сенинг истагингга бўйсунмайди. Унинг ўзининг тўфонлари, гоҳо сусайишлари бор, олдиндан фалон нарса бўлади, деб сира каромат қилиб бўлмайди. Айниқса, ҳозир.

Президентимиз талай йиллар олдин шарм-ҳаё, маънавият деган тушунчалар, айтинглар-чи, яна қайси халқда бор, деганини эшитиб ҳайрон бўлганман: умр бўйи ижтимоий фанлардан дарс бериб келган домла ёки қалам аҳлларидан бири эмас, айнан Президентнинг ўзи топиб айтаяпти-я буни!

Бу орада республикамизда бутун бир маънавият тизими, керак бўлса, институти шаклланди. Албатта, ундан кўзда тутилган мақсадга мувофиқ маънавий тизимнинг иши бундан ўн карра самаралироқ бўлиши мумкин эди. Бироқ... Сирасини айтганда, унинг сабаблари бориб-бориб ҳаммамизга тақалиб тўхтайди...

Болалик давримда қазо қилиб кетган Мастура холам бўларди. Ўзи тўладан келган, кўкраги тўла шода мунчоқ, икки қошининг ўртасини жуволдизда ясалган майда холлар қўшиб тургувчи, овози бир оз бўғиқ бўлса-да, ўктам аёл эди. Гарчи биз туғишган жигарлар бўлмасак ҳам, беш уй нари турувчи холаникига ийманмай чопиб борардик. Кўпинча қиш кезлари шифтга осиғлик қамиш саватдан турли хил ҳўл меваларнинг қоқи, беҳи, туршак ва бошқа ширинлик-тортиқлар ҳадя этарди. Табиийки, биз болалигимизга бориб, бир-биримиз билан талашиб-ёқалашардик. Шунда холам тушмагур «уят бўлади» деган сўзни шунақа таъсирли қилиб, ўнг қўли кўрсаткич бармоғини ёноғидан тортиб кўрсатардики, кўзлари олайиб кетарди. Бу ҳолат чиндан таъсирли эди. Сўнг томоғини чўқиллатиб, бошини чайқаб биримиз-биримиздан олти ойлик катта ё кичиклигимизга, биримиз бўйчанроқ, биримиз нимжонроқлигимизга қараб танбеҳ бериб қўярди. «Эҳ, афсус, сен нодон бола бу ишинг уят эканлигини билмадинг-а!» дегандай бир таъкид бўларди унда. Бу ҳозирги катта одамга: «Эркак киши ҳам овқат талашадими? Нафсинг учун шу қадар шармандаликни раво кўрдингми? Бўйбастингдан дев ҳуркади, иснод эмасми?» деган танбеҳдан ҳам баландроқ пардада, тамом шармисорлик танқиди билан айтилардики, биз ҳали эси кирмаган бола бўлсак ҳам қулоқларимизгача қизиб уялиб кетардик. Қўлимиздаги туршак таъмсиз, арзимасдек туюлиб қолар, кимдан тортиб олган бўлсак, ўшанга ихтиёрсиз равишда берардик, гарчи кечирим сўрашга ақлимиз етмаса-да, бу одамгарчиликдан эмаслигини қалбдан ҳис қилардик.

Мастура холам бўлса, энди бизни бу ишни билмай қилиб қўйди, ўзи асли эс-ҳушли, ақлли, гапга тушунадиган бола, бошқа ҳеч қачон бундай қилмайди, деб меҳр кўрсатиб алқаб қўярди. Мабодо Мастура холам бизни танбеҳ билан руҳсизлантириб юборса, безиллаб қолишимизни ҳис қиларди, шекилли, одобсиз, уятсизлигимиздан кейин ҳам бир қур меҳрибончилик қилиб қўярдики, кейинги гал тағин «Мастура хола-а!» деб шаталоқ отиб бораверардик.

Фарзандлари улғайиб, ана-мана невара кутаётган кампир учун қишлоқ болаларини бағрига босиш нима керак эди, бундан нима фойда бор эди, деб ўйлайман...

Ва, афсуски, бугунги мен сингари қирқ ёшни қоралаётган эркак ё аёлгина эмас, кўпчилик чол-кампирлар ҳам мана шу «фойдасиз» иш ҳақида худди шундай ўйлайдилар.

...европалашиб боряпмиз!

## «РЕЖАНИ-КУ АМАЛЛАДИК...»

Куз бошланди дегунча деҳқоннинг оёғи даладан аримай қолади: ҳосилни йиғиштириш керак! Куз бошландими, газета-журнал муҳаррирларининг ҳам тинчи бузилади: обунага югуриш керак. У деҳқонларнинг бошлиғи этагидан тутади. Мана, пахтага, теримга пул тушсин, одамларимизни обуна қилдириб берамиз, дейди деҳқонлар раҳнамоси. Теримчи терим пулига обуна бўлишни хоҳламайди. Биринчидан, унга тирикчилик учун пул керак. Иккинчидан, обуна бўлганинг билан почтачи газета-журнални опкелиб бермайди, бекорга пулингга куйганинг қолади. Яхшиси...

Кузнинг охирларида деҳқон раҳнамосига сим қоқиб: ака, обуна суст-ку, ваъда қилгандингиз, деб жаврайди муҳаррир. Раҳнамо бўлса, мана, режа охирлаб қолди, уддаласак, пахтазавод хўжаликларга пул туширади, иннанкейин нақ мингта обуна қилиб юборамиз газетангизга, деб ишонтиради. Бекорларни айтади. Мингта эмас, ўнтаям обуна қилиб бермайди. Чунки у режани уддалаёлмайди, янги йилгача пахта териб, амаллаб режани уддаласа ҳам охирида муҳаррир ака, режани-ку амалладик, аммо пахтамизнинг сорти чатоқ, бешинчи сорт пахтани гугуртгаям алмашиб бўлмас экан, биз зарар билан чиқдик, ким билади, энди бу ёғи нима бўлади, деб қўя қолади. Муҳаррир газета саҳифасида раҳнамони мақтаб мақола ёзганига, унинг гапларига ишонганига афсус чекади. Қайтанга шаҳарлараро алоқага чиқавериб, телефон пулига куйгани қолди. Хўрсиниб гўшакни қўяркан, бир дўстининг ишонч билан гапиргани ёдига тушади: «кругом ёлғончилик!»

Кимга ишонса бўлади ўзи?

## САВОД МАСАЛАСИ

Камина ўз бошимдан кечгани, кечиб ётгани учун айнан муҳаррир савдосидан айтдим. Мисол, у газетада чоп этаётган мақола ва асарлар чунон салмоқли, саводли, маърифатли. Аммо... афсус, ўқийдиган одам йўқ. Йўқ эмас, албатта, бор. Азалдан шу газетани ўқиб келаётган содиқ ўқувчилар, домлалар, ижодкорлар. Улар ҳам аксарият газета дўконларидан сотиб олиб ўқишади. Обуна баҳоси қимматлиги учун вақтида обуна бўлмайди. Боз устига, матбуот тарқатувчиларнинг масъулиятсизлиги туфайли ё кеч олади, ё бутунлай ололмайди. Сотув ишончлироқ.

Ҳар қалай ўқишади.

Бироқ кези келган замонда бир миллион нусхада чиққан бу газета муҳаррири учун обуна бўлинглар деб, республика бўйлаб ҳар кимнинг этагига осилиб юришнинг зарурати йўқ эди.

Ҳеч бир иш осон эмас. Аммо ҳозиргидай чигал бир даврда маънавият ва маърифат, унинг нашрлари савдосини йўлга қўйиш яна ҳам мураккаблашди. Агар матбуот яхши чиқмаётган, замондан орқада қолаётган, савияси паст бўлганида ундан ўпкаласа бўларди. Қизиғи шундаки, нега фалон нашрни ўқимайсан-у, буни ўқияпсан, деб ҳам бўлмайди-да бировга. Камина халқ таълими тизимидаги талай нашрлар ўз йўлига, аммо ўқувчилар, талабалар, керак бўлса, ўқитувчилар маънавий дунёсини бевосита кенгайтиришга, адабиёт ва маърифат оламининг янгиликлари билан танишишга астойдил хизмат қилаётган «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Ёшлик», «Шарқ юлдузи», «Ёш куч», «Синфдош» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги каби нашрлар савияли, фойдали, керак деб ҳисоблайман улар учун.

Баъзан ҳайрон бўламанки, бировлар «Ёшлик», «Шарқ юлдузи» деган журналлар ҳақида ҳозир ҳам чиқадими, деб сўраб қолишади. Жаҳлим чиқса ҳам ҳали-ҳамон уларнинг борлиги, чиқиб тургани, фалон-пистон ёзувчиларнинг фалон асарлари босилаётганини батафсил тушунтиришга ҳаракат қиламан. Кўрдингизми, улар «бир пайтлар қизиқ романлар босадиган» бу журналларнинг бор-йўқлигига ҳам қизиқмайдилар. Демак, дўконларга умуман яқинлашмайдилар.

Бир гал ички ишлар ходимининг ҳарчанд тушунтирмайин, «Ёшлик» журналини «Ёшлар» телеканали деб тушуниб, «Ҳандалак»ни кўриб тураман, деганини эшитдим-да, роса ҳафсалам пир бўлди. Бу зот эҳтимол, газета, китобни тасаввур қилар, аммо газетадан каттароқ, катта китобдан кичикроқ, варақлаб ўқиладиган журнал деган нарса ҳам бу дунёда мавжуд эканини бутунлай билмас экан. Мен бечора шуларнинг ичида «Ёшлик» деган журнал ҳам борлигини беҳуда тушунтириб ўтирибман.

Йўл хавфсизлиги хизмати ходими бир танишимнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиб баённома тузганида, азбаройи ходимнинг бадхат ва бадсаводлигидан қайта-қайта ўқиса ҳам танишим ҳеч балони тушунмаганидан нолиб гапирган эди. Ёмони шундаки, у саводсизлигидан заррача хижолат ҳам чекмади, кейин мен жаҳлим чиқиб баённомага қўл қўймадим, лекин барибир жарима тўладим, дейди танишим.

Камина, ўзим оғиртабиат бўлганим билан мудом ичимда бир қарши куч яшашига иқрор бўлганман. Бу куч шундан иборатки, саводсиз одам билан ҳеч муроса қилолмайман. Яхшиси, уни ташлаб қочиб қоламан. Чунки у ҳамма нарсага ўзининг билимсизлигидан келиб чиқиб баҳо беради, сениям ўз фикрига қўшилишга ундайди.

Саводсизлик — одамзотнинг энг катта айби.

Кейинги вақтларда олий ўқув юртларида иншо деган нарса бутунлай истеъмолдан чиқиб кетди. Мен ўйлайманки, шунинг ўрнини босувчи, қандайдир эркин фикрлаб ёзадиган ёзма ишларни йўлга қўйиш керак. Ҳар қандай маълумотли одам даставвал ёзиш жараёнида илм ва ҳуснихатини, сўнгра фикрлаб ёзиш малакасини ўзида шакллантиради. Тайёр тест синовлари эса бундай малакани беришга қодир эмас.

## МАЪРИФАТ ВА ОРИЯТ

Китоб одамнинг саводини ўстирибгина қолмайди, балки дидини, савиясини ҳам ривожлантиради. Шу маънода бадиий адабиёт ҳамма жабҳадаги одамлар учун ҳам керак. Негаки, зўр бадиий асар ишқибози безорилик, каллакесарлик ёки ишратбозликдан нари юради. Адабиёт, ҳатто у дидактикадан иборат бўлса ҳам инсон маънавий дунёсини поклайди, ўқувчи ўзига ўхшаган образни асарда кўрса қўшилиб эзилади, қувонади, гуноҳлардан қочади, ўйлайди... Ҳа, у ўйлайди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида қишлоқ одамлари ҳаётидаги қийинчиликлардан куйиниб гапирди. Газ бўлмаса, электр токи бўлмаса, ичимлик сувни ташиб ичса, бу ҳам етмагандай унинг шундоқ ҳам кам маошини 5-6 ойлаб беришмаса.

Бу одамлар газета, журнал, китобни сотиб олиб, ўқишга тоқати борми?

Шаҳардаги бола телевизорга ёпишиб олган, китобга яқинлаштиролмайсан. Қишлоқдаги болада эса ҳар иккаласиям йўқ.

Икковигаям бир хил маънавий мадад керак. Юртимиздаги 60 фоиздан ортиқ одам қишлоқда яшаётганини инобатга олсак, маънавий-маърифий ишларни жонлантириб, йўлга қўйиб юбориш эҳтиёжи нақадар долзарб экани аён бўлади.

Обуна бўлмаган одамни обуна бўлмагани учун айблаб бўлмайди. Аммо мутлақо ҳеч нарса ўқимайдиган одамни нима деб аташ керак? Уни камида ноинсоф дер эдим.

Макулатура билан бизнес қилувчи бир укамизнинг омборига йўлим тушиб бориб қолдим. Тахминан 4-5 тонна макулатуранинг қарийб ярми бадиий китоблар эди. Уларнинг аксариятида кутубхоналарнинг тамғалари, яъни шифрлари ёзилган... Тавба, деб ёқамни ушладим: Навоий, Бобур, Пушкин, Шекспир, жаҳон адабиётининг букинистик дўконларда ҳам топилмайдиган ўнлаб китоблари! Ўрнига қоғоз бераман деб китоблардан 15-20 тасини териб олдим. Аммо қолганларини ҳам кўз қиймайди. Бир кишига илтимос қилиб ўша китобларнинг рўйхатини туздирдим. Булар 3 мингдан зиёд китоб эди. Китобларнинг рўйхатини компьютерда кўчириб, заҳматкаш олим, миллий кутубхона директори Абдусалом Умаровга олиб бордим. У киши хайрихоҳлик билан кутиб олди. Ўзида йўқ асарларни сотиб оладиган бўлди. Ҳар тугул шунча китоб беҳуда қоғоз бўлиб, нималаргадир ишлатилиб кетмасин дедим-да.

Шу китобларни тўплаб макулатурага топширган одамга унинг килоси, тоннаси ҳисоб. Шунга қараб у макулатура олувчидан пул олади. Китобнинг муаллифи, қадри унга бир пул! Тош босса бўлгани!

Бундай эгасизлик ўша тамғалардаги манзиллардан билдимки, юртимизнинг ҳамма еридаям бор. Ким уларга бу китобларни макулатурага топшир деб буйруқ берган, ҳайронман. Республикамиз бўйича ҳар куни тонналаб макулатура қоғозлари ичида минглаб маърифат улашиши мумкин бўлган бундай асарлар борлигини ўйласанг, юрагинг орқангга тортиб кетади.

Уларга «ноинсоф» деган сўзнинг ўзи камлик қилади. Ғирт жиноятчилик эмасми бу? Бу ишларнинг наҳотки на сўроғи, на жавоби бўлмаса!

Ўзимни қаламкаш, демакки, маънавий-маърифий ишларга дахли бор киши деб ҳисоблаганим учун эгасиз китобларга жоним ачиди. Аксинча, маънавият марказларидаги, қишлоқ кутубхоналаридаги бор китобларни увол қилиш ўрнига, янги нашрлар, ҳар бир газета, ҳар бир журнал ва китоблардан жиллақурса бир нусхадан етказиб беришни, қишлоқ одамлари ҳам уларни ўқиб баҳра олишларини йўлга қўйиш зарур деб ўйлайман.

## БУГУНГИ АДАБИЁТ

Ҳозирги адабиётимизда жонланиш бор. Балки буни бир парда юқорироқ кўтариб, юксалиш дея мақтаб қўйгим келади. Бир пайтлар «Шеър кўп, шоир-чи?» «Шоир кўп, шеър-чи?» «Адабиёт ўладими?» деган мунозара, баҳслар бўлган эди. Аммо у баҳсларнинг адабиёт ривожига қай даражада таъсири бўлгани ҳақида бир нарса деб бўлмайди. Ҳар тугул, адабиёт қозони қайнаб, унинг атрофида эътироф ҳам, эътироз ҳам, қизғин баҳс ҳам бўлиб тургани яхши.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» деган романи ҳақида устозимиз У.Норматов бир суҳбатидаги фикрлардан ташқари деярли ҳеч ким ҳеч нарса демади. Тўхтамурод Рустамнинг «Капалаклар ўйини» романи ёхуд Абдуқаюм Йўлдошнинг қатор қиссалари ҳақида ҳам биров пинагини бузиб бир гап айтиб қўймади. Ёки Зулфия (Қуролбой қизи) Йўлдошеванинг жудаям бақувват ҳикоялари эълон қилиндиям, тағин жимжитлик.

Майли, фикр айтмади, деб бировларга иддао қилиш ҳам ярашмайдиган иш. Бундан қатъи назар Ш.Бўтаев, Л.Бўрихон, Қ.Норқобил, Н.Норқобилов, И.Шомуродов сингари ёш адибларнинг асарлари, қиссалари матбуот юзини кўрди. Юқорида саналган муаллифларнинг асарларида бугунги одамлар, ёшлар тақдирлари, ўйлари бир қадар кўламли, бадиий жиҳатдан пишиқ талқин этилган.

Наср шеърият ва публицистикадан фарқли ўлароқ оғиркарвон жанрдир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида у замондан орқада қолиб кетгани, яъни ҳамон шўро одамлари анча муддат асарларда дунёни тарк этолмай ғимирсиб юргани бор гап. Бугуннинг асари бугуннинг одамлари, уларнинг бугунги кечмишлари ва ўйлари билан қизиқ. Шу боис 93-йилда берган «Адабиёт ўладими?» деган саволга, «Шукур ака, адабиёт ўлмайдиган бўлди», деб жавоб берса бўлади.

Хуллас, наср бугуннинг руҳига тушиб олди.

## ХУЛОСАИ КАЛОМ

«Эгамен» деган сўз бор. 1989 йилда ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов бир суҳбатида «бизда эгаменлик, яъни, бу юртнинг эгаси ўзимман» деган туйғу етишмайди, деган эди. Мана, мустақиллик давримизнинг ўн иккинчи йилида яшаяпмиз. Бугунга келиб эгаменликдан бошқа тушунча энди бизга ёт бўлиб қолди. Шу азиз ватаннинг ҳар бир нарсаси ўзимизга тааллуқли эканини ҳис қилмай, Ғафур Ғулом сўзи билан айтганда, бировнинг меҳрли сўзи «нондек арзанда» бўлиб яшадик. Энди у вақтлар тамом орқада қолди.

Устоз шоиримиз Абдулла Орипов Япония сафаридан қайтиб келгач: қаранг, уларда бизники сингари битмас-туганмас табиий бойликлар йўқ. Ўзларида мавжуд ўрмонлардан ҳам бирорта дарахт кесмай, келажак авлодга асраб қўяётган экан. Ўзларига керакли ёғочни Канададан сотиб олишаркан. Уларнинг бутун бойлиги кашфиётларида ва одамларининг тиниб-тинчимаслигида экан. Бу бизга ўрнак бўлиши, ялқовликни ташлашимиз керак, деди.

Албатта, камина маънавий туриш-турмушимиз, маърифат ва адабиёт ҳақида баъзи ўйлаб юрганларимни ожиз қаламим билан ё ифода этдим, ё этолмадим. Муҳтарам Президентимиз журналистлар ва ижодкорларга кўп бора билдирган рағбатларидан илҳомланиб эътироф ҳам, эътироз ҳам ўз вақтида бўлгани яхши деб ўйладим. Шу, холос.

